



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 69 (11.630)

Баҳоси эркин нархда

Иқтисодиёт

## ИМКОНИАТЛАР САМАРАСИ

**Бугунги кунда кичик ва хусусий бизнес соҳасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот ва хизматлар рақобатбардошлигини ошириш, бу борада ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш муваффақиятлар омили бўлмоқда.**

2006 йилдан буён фаолият кўрсатган «Potolok-stroy-servis» хусусий корхонаси шундай жамоалар сирасига киради. Тўрт нафар ходим билан иш бошлаган жамоада ҳозирда 14 нафар малакали мутахассис томонидан маҳаллийлаштириш дастури асосида гипсдан 20 хил турдаги шифтга мўлжалланган плиталар ишлаб чиқарилмоқда.

— Мамлакатимизда кичик корхоналар ва хусусий бизнес субъектларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди корхона директори Шавкат Исмаилов. — Баркамол авлод йилида ёшларга қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида замонавий технологиялар жорий этган ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Айни пайтда ушбу лойиҳа устида корхонада кизгин иш бормоқда.

Бунёдкорликда қўлланиладиган плиталар бугунги кунда мижозлар талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққан

ҳолда турли ҳажмларда ишлаб чиқарилмоқда. Бунда юксак унумли технологик линиялар ўз самарасини бермоқда. Маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб, илгор технологиялар асосида тайёрланаётган қурилиш ашёлари импорт ўрнини босиши баробарида, четдан келтириладиган худди шундай маҳсулотлардан бирмунча арзонлиги билан афзалдир.

Корхона жамоаси доимий изланишда бўлиб, ички бозорни чуқур ўрганиш, замон билан ҳамнафас қадам ташлашга интилоқда. Асосий эътибор маҳсулот сифати-га қаратилаётгани, ўз навбатида, буюртмачиларнинг кўпайишига асос бўлмоқда. Ҳозирда нафақат ички бозорда маҳсулот хариддорлигини таъминлаш, балки «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги билан экспорт қилиш ҳам корхонанинг асосий вазифасига айланган.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхонада тайёрланаётган плиталар чидамли бўлиши билан бирга, қисмларга ажратилиши билан буюртмачиларни жалб этмоқда. Йилдан йилга маҳсулот дизайни мукамаллаштирилиб, турлари ортиб бормоқда. Шунингдек, бу ерда этикеткалар учун сифатли елим ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди.

Корхонада истеъмолчиларга сифатли, бугунги кун талабига монанд

қурилиш маҳсулотларини етказиб бериш асосий мақсад қилиб белгиланган экан, бунга эришиш учун барча яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинаётган.

**Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТДА:** корхонада малакали мутахассислар меҳнат қилишади.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда мазкур палата депутатлари, Марказий банк, тижорат банклари ва ахборот технологиялари соҳаси вакиллари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев бошқарган анжуманда банк хизматининг янги турларини жорий этиш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини банкларнинг депозитларига жалб қилишни кўпайтириш, мамлакат иқтисодиётига киритилган узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушини ички манбалар ҳисобидан ошириш учун мустаҳкам асос яратиш ус-

**Тошкентда замонавий ахборот технологиялари асосида янги банк хизматларини жорий этишнинг ҳуқуқий механизmlарини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА БАНК ХИЗМАТИ

тувор вазифалардан экани таъкидланди.

Ўзбекистонда ахборотлаштириш соҳасида яратилган қонунчилик базаси жамиятимизнинг барча жабҳалари қатори банк тизими-га ҳам компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш имконини берди. Банк тизими-га замонавий ахборот технологияларининг жорий этилиши мижозларга банк хизматининг янги турларини кўрсатиш, хизматлар самардорлиги ва мижозларнинг банкка бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз банк тизимида мижозларга пул жўнатмаларининг электрон тўловлар тизимидан фойдаланган ҳолда қисқа вақт ичида амалга ошириш имкони яратилган. Шунингдек, банк мижозларига мобил алоқа воситалари ва интернет тармоғи орқали интерактив хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган. Шу билан бирга, банклар томонидан статистик маълумотларни қайта ишлаш, электрон хужжат айланиши, хусусан, электрон рақамли имзо технологиялари қўлланиб келинмоқда.

Тадбирда АКТ асосида банк хизматининг янги турларини кенгайтириш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, банк амалиётига илгор технологияларни фаоллик билан киритишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, замонавий хизмат турларини кенгайтириш орқали банкларнинг инвестиция фаоллигини кучайтириш юзасидан атрофлича фикр юритилди.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**  
ЎЗА мухбири

## ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШГА УНДОВЧИ ТАНЛОВ

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» V Миллий мукофоти учун халқаро танлов ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов юртимизда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш ва амалдаги эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Журналистларнинг маҳоратини ошириш, уларда фаол фуқаролик позицияси ва юрт тақдирини дахлдорлик ҳиссини кучайтириш бу борадаги эзгу ишлар асосини ташкил этади. Ҳар йили ўтказилаётган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов соҳанинг фаол, изланувчан ва фидойи ходимларини рағбатлантиришда катта омил бўлмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, мазкур танлов жорий йилда йигирма етти номинация бўйича ўтказилади. Танловда БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки сингари халқаро ташкилотлар ҳам ўзларининг мукофотлари билан қатнашади.

Танловга материалларни қабул қилиш жараёни якунланди.

Ғолиб ва совридорлар 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини эълон қилинади.

**Н.УСМОНОВА,**  
ЎЗА мухбири

## ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **«ИСТЕЪДОД»** жамғармаси масофали ўқитиш марказида «Ёшларда раҳбарлик маҳорати» махсус курсини тасмоллаган бир гуруҳ ёшларга сертификатлар топширилди.

✓ **«ЁШЛИК»** талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган «Талаба ёшлар ўртасида ҳуқуқ-тарғибот ишларини такомиллаштириш» мавзусидаги тадбирда Тошкент Давлат техника университети талабалари, шаҳар ва Собир Раҳимов тумани прокураторлари ходимлари иштирок этди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат консерваториясида Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими ва ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорлигида ташкиллашти-

рилган «Камалак — 2010. Миллий аънавалар ва замонавийлик» мавзусидаги кўрик-танлов ҳамда «Тошкент ниҳоллари» фестивалининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

• Бухоро шаҳридаги марказий истироҳат боғида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда 325 та корхона ва муассаса 3004 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмарка давомида 1133 нафар киши ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш учун йўлланмага эга бўлди.

• Қаршидаги «Нуристон» академик лицейида «Сиз қонунни биласизми?» республика танловининг Қашқадарё вилоят босқичи ўтказилди. Унда вилоятдаги лицейлар, коллежлар ва мактабларнинг 200 га яқин ўқувчиси иштирок этди. Танловда «Нуристон» академик лицейи жамоаси галаба қозониб, республика босқичига йўлланма олди.

• Наманган вилояти Учқўрғон туманида колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Учқўрғон идеал савдо» масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Янги корхонанинг илк маҳсулоти Наманган шаҳри ва қўшни туманлардаги савдо тармоқларига Наврўз байрами кунлари етказилди. Ҳозирда бу ерда бир кеча-кундузда икки юз килограммга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Янги корхонанинг иш бошлаши билан олти киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

• Фарғона Давлат университетида олимпиадаларнинг илм-фан ривожидagi ролига бағишланган республика илмий-амалий форуми ташкил этилди.

• Япония ҳукуматининг «Кичик миқёсли ижтимоий лойиҳа»си доирасида Гулистон туманидаги 9-умумтаълим мактабига 48 минг 489 АҚШ долларлик грант ажратилди. Шу маблағ эвазига таълим даргоҳига замонавий мебеллар, спорт жиҳозлари, тикув машиналари ҳамда ошхона анжомлари олиб келинади.

## ЖАҲОНДА

• Кеча Венгрияда биринчи тур парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда 52,77 фоиз овоз тўплаган Виктор Орбан етакчилигидаги Фидес ўнг консерватив партияси галаба қозонди. 19 фоиздан кўпроқ овоз олган амалдаги бошқарувчи социалистик партия иккинчи ўринда қолди. Сайловларнинг иккинчи турини 25 апрелда ўтказиш мўлжалланган. Унда парламентдаги қолган 121 та ўрин эгалари аниқланади.

• Кеча Евроҳудуддаги мамлакатлар молия вазирлари Греция иқтисодиётини соғломлаштириш дастури юзасидан келишиб олдилар. Уч йилга мўлжалланган мазкур дастур бугун Еврокомиссия, Европа марказий банки ҳамда Халқаро валюта жамғармаси томонидан тасдиқланиши керак.

• Бағдодда бир гуруҳ қуролланган кимсалар ҳавфсизлик кучлари генерали ҳаётига суиқасд уюштиришди. Маълумотларга кўра, генерал Фадел Аббос Али ўз уйи олдида отиб ўлдирилган. Ҳозирча ушбу қабихлик ким томонидан амалга оширилганлиги номаълум.

• Қуролланган қароқчилар гуруҳи Кения қирғоқларида Туркиянинг «Ясин» номи люк кемасини қўлга туширди. Кемани ўғирлаш чоғида унинг бортида 25 нафар экипаж аъзолари бўлган.

• Япониянинг Central Japan Railway темир йўл компанияси бундан буён ўзи ишлаб чиқаратгани тезорар поездларни Хитойга сотмасликка қарор қилди. Бунинг сабаби хитойликларнинг йўловчиларнинг ҳавфсизлигига совуққонлик билан ёндашишидир.

• Грециянинг Кламбака шаҳри яқинидаги Теопетра ғоридан қадимий девор қолдиқлари топилди. Текширувдан сўнг маълум бўлишича, бу топилма инсон қўли билан яратилган энг қадимий девор ҳисобланади. У бундан тахминан 23 минг йил муқаддам бунёд этилган.

• Италияда спортнинг кёрлинг тури бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Канада терма жамоаси ўттиз иккинчи марта зафар кучди.

**Қарор ва ижро**

**ТЕЖАМКОР  
ТЕХНОЛОГИЯ —  
ЮҚОРИ  
САМАРАДОРЛИК  
ОМИЛИ**

**Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида 2010 йилда реал секторнинг асосий соҳаларидан бири — энергетикани техник ва технологик янгилаш муҳим аҳамият касб этади.**

Ушбу муҳим соҳада амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар мамлакатимиз энергетика салохиятини янада ривожлантириш, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш, истеъмолчиларни электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлашнинг ишончли ва сифатли тизимини шакллантиришга қаратилган.

Бу соҳада моделли номини олган йирик лойиҳалардан бири "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси ҳамда Япониянинг "ТОНОКУ Electric Power Co., Inc" электротехника компанияси томонидан "Тошкент ИЭМ" очик акциядорлик жамиятида амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 4 февралда қабул қилинган "Тошкент ИЭМ" очик акциядорлик жамиятида когенерацион газ-турбинаси технологиясини жорий этиш лойиҳасини амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бош лойиҳачи сифатида "Иссиқликэлектрлоийҳа" очик акциядорлик жамияти, қурилиш-монтаж ишлари бўйича бош пудратчи сифатида — "Ўзбекгидроэнергоқурилиш" очик акциядорлик жамияти белгиланди.

Тошкент иссиқлик энергия маркази пойтахтимиз қурилиш-коммунал сектори ҳамда саноат корхоналарига электр ва иссиқлик энергияси етказиб берувчилардан биридир. У Тошкент шаҳрининг етти туманини иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлайди.

Ушбу йирик ва ноёб лойиҳадан кўзланган асосий мақсад Тошкент шаҳри истеъмолчиларини иссиқлик ва электр энергияси билан таъминлаш ишларининг ишончлигини оширишдан иборат. Бунда замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда янги қувват манбаларини яратиш зарур. Бу вазифа бир қатор афзалликларга эга бўлган, қўллашда осон ва деярли тўлиқ автоматлаштирилган газ-турбина қурилмаларини бунёд этиш орқали амалга оширилади. Бундан ташқари газ-турбина блоқи нисбатан ихчам ва юқори ҳаракатчан хусусиятига эга. Янги технологияларга ўтиш ёқилгани тежас, экологик вазиятни яхшилаш имконини беради. Ушбу лойиҳани амалга ошириш электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтиришга хизмат қилади.


**В.РУДАКОВА,  
ЎЗА мухбири**

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

**Ёшлик, айниқса талабалик даврининг ҳар бир дақиқаси олтин эканлигини кўп бора эшитамиз. Бу давр ўқиш-ўрганиш, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш, билимлар захирасини бойитиш, ҳунар эгаллаш учун катта имкониятдир.**

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурида ҳам ўсиб келаётган авлод мамлакат келажакнинг пойдевори эканлиги яна бир бор тасдиқлангани ҳолда, бу пойдеворнинг мустаҳкам бўлиши учун ёшларнинг ҳар томонлама истеъдод ва иқтидорини очиб бериш кўзда тутилган.

Бу йўналишда Тошкент Педагогика-тиббиёт институтида кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда. Яқинда ўтказилган "Қўли гулдир шифокор қизларнинг" кўрик-фестивали бу борада алоҳида ўрин тутди. Кўрик низомига кўра ҳар бир кафедра ўқитувчиси талаба-қизлар орасидан турли ҳунар соҳибаларини аниқлаб, уларнинг меҳнатларини тақдим этди.



Тадбирни очган Сергели тиббиёт коллежи директори Равшан Зайниддинов «Экосан» халқаро жамоат жамғармаси билан ушбу ўқув маскани ўртасида кўп йиллардан буён самарали ҳамкорлик мавжудлиги, бир қатор ёшлар экология соҳасидаги изланишлари мавзуларини илмийлаштириш асос қилиб олиб, унумли фойдаланишгаётганига урғу берди. Давра суҳбатига «Экосан» халқаро жамоат жамғармаси раиси ўринбосари Шавкатбек Мамадалиев эколог муаммолар бир давлат миқёсида эмас, бутун дунё бўйича ҳал этилгандагина она табиятни асраб қолишимиз мумкин эканлигини алоҳида таъкидлади. БМТ томонидан 2010 йил Бутунжаҳон биохилма-хиллик йили деб эълон қилингани ва ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбати унинг доирасидаги долзарб масалаларга бағишланганлиги қайд этилди. Таъкидлангандек, тадбирнинг ўтказишдан мақсад ёшларимизнинг экологик муаммоларга чуқур, янада фаолроқ, онгли равишда муносабатда бўлишига, соғлом турмуш тарзини ўзининг иштироки мисолида тарғиб қилишига туртки беришдан иборат эканлиги, уларнинг экологик билимларини ошириб бориш орқали мавжуд муаммоларни

Дизайнер ва чевар қизларнинг тиккан кийимларини гуруҳдошлари намойиш қилиб кўрсатишди. Нодира Расулова ўзбек ва дунё халқлари миллий либослари

**КЎРИК-ФЕСТИВАЛЬ  
ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ**

билан қатнашди. Малика Абдуллаева эса ўзи яратган йигитлар либослари учун кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди. Тўртинчи босқич талабаси Хилола Кабирова томонидан тақдим этилган кўргазмада зардўзлик санъатининг намуналари мавжуд эди.

Гўзаллик ва нафосат кўргазмаси институт меҳмонларини ҳам, талабаларни ҳам бефарқ қолдирмади, қўли гул қизларни қўллаб-қувватлаш учун оналари, бувию қайноналари ҳам келишди.

Асал Давидхўжаеванинг мунчоқлардан тикилган нақшлари ҳаммани ром қилган бўлса, Захро Шожалилованинг гиламчаларию сочқилари томошабинларни уни тинмасдан саволга ту-

тишларига сабаб бўлди. Зеро, тўқиш билан ёшлигидан шуғулланган Захро илк кўргазмасига ўзининг тўқиш мосламаларини олиб келган бўлиб, қизиққанларни бу жараён билан яқиндан таништирди.

Нозима Муратованинг бир неча йил давомида япон марказига қатнашганлиги кўп йил яратиб келган иккита ўрганиб олишига сабаб бўлган. Бундан ташқари, японча ушбу давра кўргазма турли шаклдаги нарсалар ҳам ясади.

Хуршида Асадуллаеванинг миллий оқрит-

калари ҳам йўналишнинг ўзига хослиги билан томошабинларни жалб қилди. Кўргазмада хоржий талабалар ҳам кўл меҳнатлари билан қатнашди. Афғонистонлик Асия Дин Орзу ўзининг зардўзлик маҳоратини кўрсатди.

Қизлар ишини тақдим этган "Нур ташҳисоти ва рентгенология" ва "Гигиена ва жамоат саломатлиги" кафедраларининг салмоғи яққол намоён бўлди — ушбу кафедраларнинг ҳар бири 20 дан ортиқ қизларни жалб этди. "Нур ташҳисоти ва рентгенология" кафедраси номидан қатнашган қизлар иши орасида тахтага куйдириб ишланган рентген сурати, шунингдек, ўпка шаклида пиширилган торт ҳамманинг диққатини тортди.

Айтиб ўтиш жоизки, мазкур кўргазма-танловдан ёшларда миллий қадриятларга ҳурмат ва эҳтиромни шакллантириш, Ватанимиз маданияти тарихини чуқурроқ англаш, талабаларнинг иқтидор қирраларини намойиш қилиш ва уларни рағбатлантириш, қизларни оилага тайёрлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадлари кўзланган. Ташкилотчилар — институт хотин-қизлар кенгаши бу мақсадга эришди, десак бўлади. Институт жамоаси ҳунарманд, расом, дизайнер қизларнинг қобилиятидан янада яқинроқ хабардор бўлди. Энг асосийси эндиликда бундай кўргазмани анъанавий тарзда ўтказишга келишиб олинди.

**Паризод СУЙОНОВА,  
ЎзЖТУ журналистика  
факультети талабаси**

**Саноат**

**ЯНГИ ЙЎНАЛИШДАГИ  
ФАОЛИЯТ**

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора ривожланаётгани янги иш ўринлари яратилишига салмоқли ҳисса бўлмоқда.**

«Eurofood Group» масъулияти чекланган жамиятида 80 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Озиқ-овқат саноати ривожига муносиб ҳисса қўшишга астойдил бел боғланган мазкур жамоа ҳозирда 70 турдаги гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Бир ойда корхонада 50 тонна маҳсулот тайёрланади, республикаси бўйлаб тарқатилади.

Корхона Германиянинг янги русумдаги дастгоҳ ва ускуналари билан жиҳозланган.

Буюртмачиларни ўз изланишлари билан жалб этиб, доимий янгиланган интилувчан корхона жамоаси замон талаблари асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Яқинда бу ерда мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех ҳам ишга туширилди. Ушбу соҳада ҳам кўзланган марраларни забт этиш белгиланган.

**ҲАМКОРЛАР  
МАДАДИДА**

**«TBS Group» масъулияти чекланган жамияти томонидан янги маҳсулот ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.**

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимликлар генетикаси ва экспериментал биология институти, Пахтачилик илмий-тадқиқот институти ҳамда Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институтини билан ҳамкорликдаги самарали изланишлари натижаси ўлароқ торф-фитини ўғити яратилди. «Гумимакс» номидаги ушбу маҳсулот, ўштирилади. Пахта, дук-какли экинлар, полиз, ҳўл меваларнинг ўсиши ва ривожланиши жадаллаштирувчи ўғит ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигида фойдаланишда жуда қулай бўлган универсал «Гумимакс» импорт ўрнини босувчи маҳсулот сифатида ўзига хос технология — паст ҳарорат шароитида ишлаб чиқилиб, таркибидаги биологик фаол моддалар парчаланиб кетмайди.

**САЛОМАТЛИКДА  
Фойдали**

**Инсонларнинг сиҳат-саломатлигини асрашда кундалик истеъмол қиладиган чой ичимлигининг ўрни алоҳидадир. Нафақат организмдаги керакли суюқлик миқдорини меъёрда ушловчи, балки ички аъзоларимизга шифобахш таъсир кўрсатувчи омил сифатида хизмат қилади.**

«Меҳригё» кичик корхонаси маҳсулотлари шундай талабларга жавоб беради. 45 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган мазкур корхона истеъмолчиларга 30 хил турдаги шифобахш чой турларини тавсия қилмоқда.

«Мўжиза» чойи ушбу жамоанинг сазй-ҳаракатлари билан ўсимликларни етиштириш ҳамда қайта ишлаш асосида тайёрланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу корхона жамоаси анъанавий тарзда ўтказилади «Ташаббус» кўрик-танловда кўплаб номинацияларда голибликни қўлга киритган. Ҳар битта маҳсулотнинг ўзига хос қадоқлини, унинг хусусиятлари, қўллаш усуллари ҳақида тўлиқ маълумот берилиши жамоанинг изланишларидан далолат. Ички бозорни чуқур ўрганиш, миждозлар эҳтиёж-талабларидан келиб чиққан ҳолда янги маҳсулот турларини кўпайтириш асосий мақсаддир. «Меҳригё» савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган кўк ва қора чойлар шифобахш ўтлар солиб тайёрланаётган неъмат бўлиб, қонни тозалайди, атеросклероз, юрак, жигар, буйрак касалликлари ва моддалар алмашинуви бузилишининг олдини олишда ҳам фойдалидир.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА**

**ЁШЛАР ВА ЭКОЛОГИЯ**

**Сергели тиббиёт коллежида «Экосан» халқаро жамоат жамғармаси ташаббуси билан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Ёшлар ва экология» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўқитувчи ва ўқувчилар республикамизнинг таниқли эколог олимлари атроф табиий муҳит ва уни асраш бўйича маърузалари билан қатнашди.**

тўғри тушуниб етиб, ижобий ҳал этилишида фаол иштирокчига айланиши керакдир.

Тадбирда ўқувчилар билан мунтазам равишда ўтиладиган экология дарсларидан ташқари, очик ҳамда маънавият ва маърифат дарсларида улар билан олимлар ҳамда экология амалиёти мутахассислари ўтказётган суҳбатлар, табиятни севиш хислатларини уйғотувчи машғулотлар, танловлар ҳамда экотуристик саёҳатларнинг мунтазам уюштирилиб борилишига асос бўлаётганини алоҳида таъкидладилар. Шу кунги ўқув-

чиларнинг экология мавзусидаги саҳнавий адабий чиқишлари ҳам бунга ёрқин мисолдир.

Фикр-мулоҳазалар, баҳс-мунозаралар остида ўтган учрашувда ўқувчилар қизиқтирган саволларига мутахассислардан батафсил жавобларни олиб, экологияга оид билимларини янада бойитди. Тадбир ниҳоясида «Экосан» халқаро жамоат жамғармаси шаҳар филиали томонидан коллеж ўқитувчи ва ўқувчиларига адабиётлар, харита ва плакатлар тўплами тақдим этилди.

**Дилором ИКРОМОВА**

**Инсоннинг бутун ҳаёти овқатланиш билан узвий боғланган. Агар ҳар бир инсон, у каттами кичикми, маълум тартибда овқатланса, касалликлардан холис бўлади.**

**Танловлар**

**ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ —  
САЛОМАТЛИК ГАРОВИ**

Куни кеча «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда Бутунжаҳон саломатлик кунини муносабати билан ташкил этилган илмий-амалий анжуманда ҳам худди шу хусусда сўз борди. Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси ва Саломатлик ва тиббий статистика институтини шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда соҳа мутахассислари томонидан репродуктив саломатлик, гўдақларни овқатлантириш тартиби, бу борада она сутининг аҳамияти мавзуларида маъруза қилинди, шунингдек турли хил касалликларнинг олдини олиш, соғлом овқатланиш асослари бўйича буклетлар тарқатилди.

Анжуман доирасида «Овқатланиш маданияти» кўрик-танлови ҳам ўтказилди. Унда шифохоналар жамоалари томонидан тайёрланган «Болаларнинг овқатланиш услуби» ва «Парҳез таомларнинг аҳамияти» кўргазмалари намойиш этилиб, голиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва диплом билан тақдирланди.

Бугунги кунда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир амалга оширилаётган ишларни янада кучайтиришда, шубҳасиз, овқатланиш маданияти масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади, — деди Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси етакчи мутахассиси Лола Саиджонова. — Ушбу мавзудаги танловлар анъанавий тарзда ўтказилиб борилиши ҳам албатта, ўз самарасини беради.

**Гулором ҲАМИДОВА**

**Туманларда**

**КЎЧАЛАР ЧИРОЙ  
ОЧМОҚДА**

**Ўлкамизда айни баҳор нафаси уфуриб турган бир пайтда теварак-атрофни ободонлаштириш, дов-дарахтлар ўтқозиш ниҳоятда муҳимдир. Буни яхши ҳис қилган Сергели тумани ободонлаштириш бошқармаси жамоаси ҳудуддаги қуриган дарахтларни кесиш, манзарали дарахтлар ўтқозиш, уларга шакл бериш, майсазорларни тозалаш, янги турдаги гул кўчатлари ўтқозиш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда.**

— Мана шу ишларнинг самараси натижасида ўтган қисқа муддат ичда худудимиздаги узунлиги 97,5 мингга яқин метр кўча, 4,1 минг погон метр қувур тозалаш чикилди, — дейди бошқарма бошлиғи Алишер Носиров. — Шу билан бирга рангбаранг гул кўчатлари, дарахтлар ўтқозишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган чоракда 1600 сафора, 450 каштан, 1000

терақ, 100 туп мевали ва бошқа турдаги манзарали дарахтлар ўтқаздик. Келгусида ҳам бу ишларни давом эттириш мақсадида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушларига 380 нафардан зиёд киши жалб этилди.

Амалга оширилаётган ушбу ишларнинг барчаси шахримиз кўрkingа кўрк бағишлашга хизмат қилади.

**(Ўз мухбиримиз)**

# Хатлар — ҳаёт ойнаси



**Саксон беш ёшли Махпират ая Тожиева неваралари билан тахририятимизга ташриф буюриб, ўзлари яшаётган «Обод» маҳалласи ҳақида мақола ёзишимизни илтимос қилдилар. Улар билан кечган мулоқотимиз давомида олти нафар фарзанди, йигирмата неvara, ўн битта эваралари бор онахоннинг истиқомат қилаётган маҳалласини эмас, унинг ҳаёт йўллари ибрат қилиб кўрсатишни жон деб топдик.**

Арзимаган қийинчилик ёки вақтинчалик етишмовчиликка қаноат ва сабр қила олмай оилаларини ташлаб, болаларини етим қилаётган аёлларимиз оз бўлсада, орамизда учраб туради. Онахоннинг босиб ўтган сермазмун ва ибратга тўла ҳаёт йўллари эса, барчамизга сабоқ бўлади.

Махпират аянинг ҳаёти осон кечмади. Болалиги уруш йилларининг фожиали кунларига тўғри келган бўлса, навқирон ўттиз етти ёшида беваликнинг оғир юкни ўз елкасига олди. Олти нафар фарзандини бир ўзи ҳам она, ҳам ота бўлиб тарбиялади, ўқитиб, уйли-жойли қилди.

Бир неча бор «Энг намунали оила» кўрик-танловининг туман, шаҳар ва республика босқичларида ғолибликни қўлга киритган бу аёл 1966 йилдан бери Юнусобод туманидаги «Обод» маҳалласида хотин-қизлар кўмитасининг раиси, бугунги кунда маҳалланинг фаоли бўлиб хизмат қилиб келмоқда. «Шухрат» медали билан тақдирланиши ҳам унинг ибратли ҳаёт йўлига берилган муносиб баҳодир. Маҳаллада-

гилар онахоннинг номини ҳамиша иззат-икром билан тилга олишадилар, чунки ушбу гўшага хизматлари кўп сингган.

Фарзандлари ҳам ақлли-

фотларидан сўнг олти фарзандимни боқиб, тарбиялаш учун туну кун тиним билмай ишладим. Юзим қулиб турсада, юрагим тубида аламли хо-

керагида эса йўл ҳам кўрсатишди. Айниқса, Юнусобод тумани ижтимоий-таъминот бўлими, олтинчи тез ёрдам кўрсатиш мажмуаси ходимла-

инчилик ва турмуш зарбалари бизларни довдиратиб қўймасин. Жаннатмакон юртимиз осмонда доимо тинчлик кабуларлари учиб юрсин. Халқимиз тўкин ва фаровон яшасин, уй кўрки ҳисобланмиш қарияларимиз саломат, ёшларимиз бахтли-саодатли бўлишсин...

Мақолани тайёрлаш жараёнида онахон бир неча марта тахририятимизга ташриф буюрди. Ҳар сафар ўғилларини эъозлаб келаётган келинларини, маҳалла аҳлини мақтаб ёзишимизни илтимос қилиб, қайта-қайта дуо қилди.

Кексалар дуоси ҳамиша ижобат бўлади. Юрагида изтироблар галаён қилсада, баъзан қалби гамдан чўкиб кетсада, ўзини бардам тутиб, ҳаётга ишонч кўзи билан боқадиган, яхшиликни меҳнат ва меҳр боғичлари билан боғлайдиган, пиру бадавлат Махпират аянинг умр йўллари эзгуликка ёндошиб бораверсин. Ҳар биримизнинг қалбимиз сабр ва саодат нурига тўлсин.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА СУРАТДА: Махпират ая эваралари даврасида.**

## Ибрат

### БАХТЛИ ОИЛАЛАР КЎПАЯВЕРСИН

хушли, илму хунари инсонлар бўлиб етишишди. Шухрат — муҳандис, Одил — рассом, Ҳикматилла — шифокор, Улугбек — тадбиркор, Сурайё — дорихунос, Муҳайё эса иқтисодчи хуллас, ҳаммалари, эл қорига ярайдиган меҳнатқаш фарзандлар. Келинлари ҳам ширинсўз, чеvar.

— Қарийб олтимиш йил ишладим, — дейди Махпират ая. — Мақтаб давридаёқ ишлаганга мажбур бўлганман. Негаки машум уруш сабаб, эркаклар бажарадиган ишлар ҳам аёллар зиммасида эди. Ёшлар ҳам улар билан теппа-тенг меҳнат қиларди. Турмуш ўртоғим билан бор-йўғи 15 йил бирга ҳаёт кечирдим. Уларнинг ва-

тираларим, кўнглимни чўктирадиган изтиробларим ҳам йўқ эмасди. Ёш тўкиб ох-воҳ қилиб ўтирмадим. Бор аламинни меҳнатдан олдим. Келинларим оқила, солиҳа, меҳрибон ва ширинсўз, пазанда чиқишди. Дардимга дармон, ҳамиша турмуш ўртоқлари ва менинг кўнглимни олишга ҳаракат қилишди. Набираларим ҳам мўмин-қобил, «Буви-жон», деб теграмда парвона. Бундан ортиқ бахт борми! Қизим Муҳайёнинг бемор бўлиб қолгани баъзан юрагимга оғир ботади. Яхшиям дунёда яхши инсонлар кўп. Улар оғир дамларимда суянчим бўлиб, далда беришадилар.

ри, Республика психоневрология клиник касалхонаси раҳбарияти ва маҳалламдан жуда миннатдорман. Фурсатдан фойдаланиб, уларга раҳматлар айтмоқчиман. Инсон ёши ўтган сари, умр йўлларига назар солиб қараркан. Мен умримдан нолимайман. Аксинча, барига шукр қиламан. Дунёда эзгулик ва яхшилик бор экан, ҳар қандай қийинчилик унинг олдида бўйин эгиб қолаверади, ҳақиқат эса қарор топади. Истайманки, одамларнинг қалблари эзгулик нурига тўлиқ бўлсин. Ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшайлик. Ғувиллаб ўтиб кетган ҳаёт йўлларида учраган ҳар қандай қий-

## ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

**Юнусобод туманидаги 272-мактабда умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлашга оид низомга асосан ишларни ташкил этиш масалаларига бағишланган ўқув семинари ўтказилди.**

Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган семинарда соҳа мутахассислари, мактаб директорлари, кутубхона мудирлари ҳамда туман ҳокимликлари молия бўлими вакиллари иштирок этди.

Семинарда бугунги кунда ўқувчиларни дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминлаш тартиби, дарсликларнинг ижара тўлови, кутубхоналар жамғармасидаги ўқув-услубий қўлланмаларни қабул қилиш ва тарқатиш масаласи муҳокама қилинди. Мактаб кутубхоналари фонди учун буюртмаларни шакллантириш, дарсликларни ижарага бериш тартиби, доимий равишда ўқув қўлланмаларни хатловдан ўтказиш, фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган дарсликларни утилизация қилиш жараёнлари борасида мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

**Азима ҚИЁСОВА, "Туркистон-пресс"**

## СОЛИҚ СОҲАСИНИНГ ЁШ БИЛИМДОНЛАРИ

**Мамлакатимизда солиқ сиёсатини эркинлаштириш ва такомиллаштириб бориш жараёнида унинг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, солиқ маданиятининг болаликдан шакллантирилиши бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширади.**

Солиқ сиёсатининг мазмун-моҳияти, мақсади, амал қилиш шакли ва воситалари ёшларни қизиқтириши инobatга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда таълим муассасаларида солиққа оид тушунчалардан сабоқ бериш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур йўналишда ташкил этилган «Солиқ билимлари — болаларга» республика кўрик-танлови шулар жумласидандир. Жорий йилдаги кўрик-танловда мамлакатимиздаги барча мактаб ва касб-хунара коллежлари ўқувчилари иштирок этди.

Танловнинг Тошкент солиқ коллежидан бўлиб ўтган яқунги босқичда мазкур коллеж ўқувчиси Жаҳонгир Раҳматуллоев, Самарқанд шаҳар иқтисодиёт коллежи талабаси Шерзод Раззоқов, Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабининг 1-синф ўқувчиси Моҳинур Қаҳҳоржонова, Навоий шаҳридаги 11-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Рухсора Абдуллаева биринчи ўринни эгаллади.

**Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири**

## Миннатдорлик

### ДИЛ МАЛҲАМИ — МУРУВВАТ

**«Ярим кўнглини бутун қилиш, хаста дилга мадор бўлиш, ён-атрофдагиларга меҳру мурувват кўрсатиш, ночор, жисмоний имконияти чекланган, ёлғизларга саховат ва меҳрибонлик қилиш, етимлар бошини силаш халқимизга хос одатларимиздан ҳисобланади», дея тахририятимизга кўнгироқ қилди 21-Меҳрибонлик уйи директори Малик Рўзиқулов.**

— Масканимизда ёшлар учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар кўнглидагидек яратилган, — давом эттирди М. Рўзиқулов. — Ўқиш, ўрганиш, ўз устларидан изланиш ва дам олишлари учун замон талабларига жавоб берадиган жиҳозлар, техника асбоблари, ўқув қуроллари бадастир. Болаларимиз қалбига шодумонлик, юзларига табассум улашш мақсадида жуда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, баҳор фаслининг илк кунлариданок Меҳрибонлик уйида ҳар кун байрам дастурлари тўкин дастурхон атрофида нишонланмоқда.

Айни пайтда шаҳар Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси кўмаги остида муассасамизда таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Янги жиҳозлар келтирилиши ҳам кўзда тутилган. Ҳар томонлама ёрдамга шай турган комиссия аъзоларига Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болажонлар ва ходимларимиз номидан ташаккур билдирамыз.

## Мушоҳада

### БОЛАМ, СЕНГА АЙТАМАН...

**Замонамиздан айланай. Қаерга қарасанг кўзинг қамашади. Кўркам, обод, саранжом, саришта, осмонўпар биноларни айтмайсизми. Шундай ободончилик, яратувчанлик ва бунёдкорлик учун Юртбошимизга раҳмат.**

Ёшларимизнинг кўзида шуъла порлайди, қадамидан эса ўт чакнайдилар. Кўз тегмасин, бири-биридан уздабурон, доно, билимли, изланувчан. Чет тилларда сўзлашганини айтмайсизми. Телевизор кулгини бурасанг, қўлга киритаётган ютуқларини эшитиб қалбинг фахр ва ифтихор туйғуларига тўлади. Газета саҳифаларида ҳам улар яратаётган кашфиётлар, дунё нигоҳидаги ўқтам одимлари ва зафарлари ҳақида ёзишадилар. Ахир улар бизнинг болаларимизнинг

болалари-да, дея гурурланиб кўямиз. Кечаси билан қўлидан китобини қўймай алланималарни ёзаётган набирамга қараб «Озгина ухлаб дам олсанг-чи» десам, «Бобожон, инглиз тилидан тест ечаяпман, агар тўғри ечсам, институтдан чет элга ўқишга юборишадилар», дея жавоб қайтардилар.

Бизнинг пайтимизда чет элга бориб келиш ҳам бир орзу, афсона эди. Энди-чи? Икtidори, истеъдоди бор барча ёшларга ҳар томонлама йўللар очиб берилган.

Ҳа, ёшликнинг ўзи бир неъмат, унинг қадрига етиш керак.

Аммо баъзан кекса чолдан ҳам ғариброқ кўринган йигитларни кўриб дилим оғрийди. Негаки, ёш йигитларнинг шижоати бошқача бўлади-да. Айтганини қиладиган, тутганини кесадиган, танги, мард.


Қўлида уяли телефон, оғзида сақич, ёхуд оғзидан тутун бурқсийди, қўлида зирак, бўйида занжир, аллабало кийимларни кийиб олган. Гапларига ҳам тушуниб, тушунамайди. Русча

бўлиб русчамас ёки ўзбекча, орасида инглизча сўзларни ҳам қўшиб гапирарди. Сочининг узунлигидан қиз боладан ажратиб қийинроқ. Ичи ва чекиш одатга айлиниб улғурибди. Бу ишларнинг охири йўқ, ҳалиям кеч эмас, ўзингни ўнглаб ол, ўғлим.

Болам, ўзбекининг йигитини шер дейишадилар. Унинг бошидаги дўпписию, белбоғининг ўзи етти иқлимга машхур. Шундай экан, қадамини ўйлаб бос. Ўзингни ҳам, вужудингни ҳам ҳар хил иғволардан халос эт. Эр йигитга майда кадам, майда гап ярашмайди. Пахлавонсифат ўзбекининг бек ўғли эканлигининг ҳар сония унутма. Тенгдошларинг ютуғидан юрт фахрларини турган бир пайтда, ҳеч бўлмаса, уларнинг қадамини мослаб қадам ташла.

**БЕК БОБОНИНГ сўзларини оққа кўчирувчи Гули ЧЕХРА**

## Сўраш, жавоб берамиз



**Шаҳримиздаги маҳаллалар штатида «Сардор» деган вазифа киритилди. Мумкин бўлса «Сардор»нинг бажариши лозим бўлган вазифаларини бизларга батафсил тушунтириб беришингизни сўраймиз.**

**Мирзо Улугбек туманидаги «23-Баҳор» маҳалласи фаоли А.Собиров.**

Маҳалла сардорлари, яъни посбонлар ўзлари яшаётган ҳудудда содир этилиши мумкин бўлган турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишда, содир этилган жиноятларни очишда, шунингдек, аҳоли билан профилактик ва огоҳлантирувчи мазмундаги тадбирни ўтказишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг энг яқин кўмакчилари ҳисобланадилар. Улар фуқаролар йиғини ҳамда ички ишлар органлари ходимларига ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилишга, маҳаллада ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга алоқадор бўлган қўйидаги вазифаларни бажаришда ёрдам берадилар:

Фуқароларнинг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, маҳалла ҳудудда қонун устуворлигини таъминлаш, жамиятда юриш-туриш қодаларига ва ахлоқ-одоб мезонларига риоя қилишни, жамоат тартибини сақлашни таъминлаш, маҳаллада тартиб ўрнатиш билан боғлиқ бўлган бошқа ишлар;

ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида ичкиликбозлик ва гиёвандликка ружу қўйганларни, оила-турмуш доирасида мунтазам ҳуқуқбузарликлар содир этувчиларни, нотинч оилаларни, ёшлар онгини захарлаб уларни турли диний экстремистик гоялар таъсирига олиш мақсадида турли ноқонуний ташвиқотларни олиб борувчи шахсларни, ўсмирларга қонунга хилоф равишда диний таълим берувчиларни, турли бўҳтонларни тарқатувчи шахсларни аниқлаш ва улар билан профилактик тарбиявий тушунтириш ишлари олиб бориш;

ички ишлар ҳисобида турувчи, тарбияси оғир вояга етмаганлар билан аниқ мақсадли профилактик тадбирлар олиб бориш;

маҳаллаларни ободонлаштириш юзасидан турли ҳаётлар ва тадбирларни амалга ошириш.

**«Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими**

**Спорт янгиликлари**

**ТОШКЕНТ ЯНА ОСИЁ ПОЛВОНЛАРИНИ ЧОРЛАДИ**

**Тошкент шахри 9-16 апрель кунлари оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Осие чемпионати мезбонлик қилмоқда.**

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида ўтказилган мазкур турнир Халқаро оғир атлетика федерацияси (IWF) кўмағида Осие оғир атлетика федерацияси (AWF), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Мусобақада 1993-1994 йилларда туғилган ўғил-қизлар шу йилнинг 14-26 август кунлари Сингапурда бўладиган ёшларнинг I Олимпия ўйинлари йўлланмалари учун куч синашди.

Юртимизда навқирон авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялашга алохи-

да эътибор қаратилмоқда. Бунда спортнинг ўрни беқиёс. Спортни ривожлантириш, ўғил-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун кенг шароит яратиш, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби муҳим масалалар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан. Мамлакатимизда бу борада қатор дастурлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда оғир атлетика бўйича нуфузли спорт анжуманларини юқори савияда ташкил этиш бўйича бой тажриба тўплаган. 2005 йили Тошкент вилояти-

нинг Чирчиқ шаҳри ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Осие биринчилиги, 2006 йили Тошкент шаҳри ёшлар ва катталар ўртасида клублар бўйича Осие чемпионати мезбонлик қилган. 2009 йилда эса пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида ташкил этилган клублар ўртасида Осие чемпионати ва Осие кубоги мусобақалари ҳам муваффақият билан ўтди.

Ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Осие чемпионатида Хитой, Япония, Жанубий Корея, Бангладеш, Қозғистон, Қатар, Корея Халқ Демократик Республикаси, Малайзия, Сингапур, Сурия, Таиланд каби йигирма тўрт мамлакатдан жами икки юз нафардан зиёд спортчи голиблик учун куч синашди.

Мусобақада юртимиз шарафини Бобомурод Чашеминов, Исроил Раҳматов, Муҳаммад Юсупов, Рустам Жонибоев, Мадийр Ибрагимов, Зиёвуддин Қутбиддинов, Махлий Тоғаева, Дилафруз Қандарова каби ўттиз нафар спортчи ҳимоя қилмоқда.

**Зоҳир ТОШХҲАЕВ,**  
**Ўза мухбири**

**МАРИНАНИНГ УЧ МЕДАЛИ**

**Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида Осие чемпионати бошланди.**

Халқаро оғир атлетика федерацияси, Осие оғир атлетика федерацияси, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Республика оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада қўшма кўшма йигирмадан зиёд мамлакатдан келган спортчилар жорий йилнинг 14-26 август кунлари Сингапурда бўладиган ёшлар ўртасидаги I Олимпия ўйинларига йўлланма олиш учун куч синашмоқда.

Вазни 44 килограммгача бўлган оғир атлетикачи қизлар баҳсида қатнашган ҳамюртимиз Марина Сисоева даст кўтариш, силтаб кўтариш ва икки кураш натижалари бўйича учта бронза медални қўлга киритди.

Шунингдек, хитойликлар – Зан Чин Лонг урта, Тяньсин Гуо иккита ва хиндистонлик Мада Сантоши битта олтин медални қўлга киритди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**  
**Ўза мухбири**

**КУЧЛИЛАР — ФОЛИБЛАР САФИДА**

**Тошкент Кимё-технология институтида Андижон шахрида бўлиб ўтадиган универсиада мусобақалари олдида кураш бўйича турнир ташкил этилди. Унда «Сағбон», «Динамо» спорт клублари, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юрларида таҳсил олаётган ёш полвонлар ўзаро баҳс юритишди.**

Ўзбекистон кураш федерацияси, олий ўқув юртининг спорт кафедраси, Маънавият ва маърифат бўлими, «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти томонидан ташкил этилган мусобақалар 66, 73, 81 килограммгача ва ундан ортиқ вазн тоифаларида бўлиб ўтди.

Шуни таъкидлаш жоизки, турнир юқори савияда ўтди. Курашчилар чиройли усулларни қўллаб, соф ғалабаларга эришган онлари олқишлар янграб турди. Айниқса, Жамол Рўзиев, Зиёвуддин Холматов каби курашчилар иштирокидаги баҳслар чиройли усулларга бой тарзда ўтди.

Спортда «уйда деворлар ҳам ёрдам беради», деган ибора бор. Бу гал ҳам

маълум маънода ушбу ҳаётий ҳақиқат ўз исботини топди. Зеро, 66 килограммгача вазнда аввалги универсиада голиби, Тошкент Кимё-технология институтининг II курс талабаси Жавлон Тоғаев зафар кучган бўлса, 73 килограммилар ўртасида ҳам аввалги универсиадада иккинчи ўринни эгаллаб ўзига хос тажриба тўплаган Фахриддин Наимов голиблар сафини бошқарди.


Биринчиликнинг барча голиб ва совриндорлари медаллар ва дипломлар билан тақдирланди.

**(Ўз мухбиримиз)**



**СУРАТЛАРДА:** турнирдан лавҳалар

**Алексей Попов олган суратлар**



**Наврўз шукуҳи**

**ЯХШИ НИЯТ — ЭЗГУ ИШЛАРГА ҚАНОТ**

**Мирзо Улуғбек туманидаги «Хумоюн» маҳалласида бу йилги Наврўз тантаналарига пухта ҳозирлик кўрилди. Кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари ўтказилди. Кўплаб мева ва манзарали дарахт кўчатлари ва анвоий гуллар экилди.**

«Хумоюн» маҳалласи асосан кўп қаватли уйлاردан иборат. 33 та кўп қаватли уйнинг барча йўлаклар таъмирланди. Йўллар тартибга келтирилди. Маҳалладаги мактаб ва мактабгача таълим муассасида ҳам ободончилик ишлари қилинди.

Кўни кеча маҳалла гузарига бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналарида ана шундай ютуқлар ҳақида гап борди. Маҳаллани ободонлаштиришда фаол қатнашганлардан 60 нафарнинг меҳнати эътироф этилиб,

уларга совғалар берилди. Юртимизда Наврўз олам шукуҳи кезмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зикрилла Эрматов. — Янгиликлар, яшариш фаслига ҳамоҳанг янги оилалар ҳам вужудга келмоқда. Маҳалламизда 1400 дан зиёд оилада қарийб беш минг киши истиқомат қилади. Айни пайтда яна иккита кўп қаватли ва кўплаб хусусий уйлар қурилмоқда. Демак, яқин келажакда маҳалламиздаги аҳоли сони олти минг нафардан ошади. 27 миллат

вакиллари аҳил-иноқ яшаётган маҳалламизда Наврўз тантаналари ҳам яхши ўтди. Унда 1200 киши иштирок этганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бундан ташқари, 12 нафар ўғил-қизнинг мучал тўйлари ўтказилди.

Байрам тадбирида миллий куй-қўшиқлар узоқ вақт янграб турди. Халқимизнинг урф-одатлари, бир-бирига кўрсатаётган меҳр-муҳаббати яна бир бор намоён бўлди.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ**

**Жорий йилнинг Баркамол авлод йили деб номланиши мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодга кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намоиши бўлди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар келажак эгаларининг ўз юртига муносиб фарзанд, жисмонан ва маънан етуқ бўлиб вояга етиши йўлида хизмат қилиши, шубҳасиз.**

**ИҚТИДОР ВА МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ**

Кўни кеча Тошкент Давлат шарқшунослик институтида Маънавият ва маърифат бўлими ҳамда «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган «Мисс Наврўз» кўрик-танловининг урф-одатлари, бир-бирига кўрсатаётган меҳр-муҳаббати яна бир бор намоён бўлди.

ри пазандачилик, турли сўровномалар, модельерлик каби шартлар бўйича бор маҳорат, истеъдод ва имкониятларини намоён этди.

Ташкилотчилар фикри билан айтганда, танловни ўтказишдан бўлажак уй бекаларини ҳаётга тайёрлаш, билим-кўникмаларини синовдан ўтказиш, миллий қадриятларимиз руҳини синдириш, оиласи, маҳалласи, она Ватанига муҳаб-

бат уйғотган ҳолда комил инсон бўлиб вояга етишига ҳисса қўшиш каби хайрли мақсадлар кўзланди.

Устоз-мураббийлар, талаба-ёшларнинг қувноқ қўшиқ-куйлари билан кўтаринки руҳда ўтган ушбу тадбир барчада яхши таассурот қолдирди.

Аънамага кўра, голибаларга мақтов ёрлиги ва эсдалик совғалари топширилди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси охири бориш тартибда ўтказилган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

2010 йил 12 май кўни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига «Ўзбекистон акциядорлик тижорат саннат-курулиш банкнинг 02.03.2010 йилдаги №15-1637-сонли бошқаруви қарорига асосан, СКБ Чилонзор филиал ҳудудида сақланаётган, «Нексия» русумли, давлат рақами 01/435УАА бўлган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 11 825 766 сўм.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2010 йил 12 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаси тақрибий аукцион савдоси 2010 йилнинг 27 май кўни соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилади.

**Диққат!** Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг ҳудудий филиаллари бюджет ташкилотлари ҳамда давлат унитар корхоналари мол-мулкларининг оммавий савдоларини ташкил этишини алоҳида маълум қилади.

Оммавий савдолар мулк эгасининг ихтиёрига кўра бевосита жойларга чиқиб ўтказилиши мумкин.

**ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ!**

**2010 йил 10 – 20 апрель кунлари**

«Кўйлик қурилиш моллари» савдо мажмуасида қурилиш, хўжалик ва электр моллари савдо-ямаркаси бўлиб ўтмоқда.

Шаҳримиз ишбилармон ва тадбиркорлари, таъмирлаш ва қурилиш ишлари билан шуғулланаётганларни савдо-ямаркасига таклиф этамиз.

**Телефонлар: 444-80-94, 295-94-87**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кўни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 208-хона.

Тошкент шаҳар Адлия божқармаси жамоаси хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Баҳодир-жон Олимович Жўраевга онаси

**Мунисой ая Жўраеванинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Тошкент шаҳар Адлия божқармаси жамоаси божқарманинг етакчи ҳисобчиси Алла Александровна Нимга онаси

**Ксения КИМнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

**Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**МУАССИСА: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

**Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.**

**Нашр кўрсаткичи — 563**

ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот божқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3973 нусxada босилди. Қўғоғ бичими А-2

**ОЗ-ОЗ ЎРГАНИД**  
**Домо бичур**

**МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ**  
**НАФСГА ЭРК БЕРМАСЛИК ҲАҚИДА**

**Умр ўтар ҳар туну кун эмгак билан, бир нимарса нафсга бермак билан.**

**Эй биродар, қилма сарварлик талаб, қил бу даъво ни ўзунгдин бартараф.**

**Сарварий улдукри, ман афзал деган, Барчадин ҳам комилу акмал деган.**

**Қилди сарварликни Қорун қавмига, Ул сабабдин тушти ернинг қаърига.**

**Кўрди Одамни ҳақир тупроқдин, Ўзини анвор ила офоқдин.**

**Кўрди ул кун ўзни Одамдин баланд, Қилди ҳам ўзини ҳар бобдин баланд.**

**Кўрди ул ўзини фаҳм идрокдин, Кўрди ул одамни паст хошокдин.**

**Ул сабабдин рондаи даргоҳдур, Икки олам халқ аро гумроҳдур.**

**Ўтса умреким, калонтарлиг билан, Ўтганидур умр гумроҳлик билан.**

**Ким калонтар бўлса ғавғолик бўлур, Оқибат ул касга расволик бўлур.**

**Кимки бу оламда калонтар бўлур, Ул кишини нафси, бил, аждар бўлур.**

**Ким калонтар бўлса бўлғай худписанд, Кўргай ўзни барча махлукдин баланд.**

**Туну кун нафсини қилғай тарбият, Мазҳабу миллатни ул қилғай галат.**

**Ким калонтардур дил озор бўлур, Ул кишидин Тангри ҳақ безор бўлур.**

**ПАРҲЕЗ ҲАҚИДА**

**Ул кишида ақл ила тамиз эрур, Сайқали ойинаи парҳез эрур.**

**Субҳу шому рўзу шаб парҳез қил, Лашқари нафсининг сан ночиз қил.**

**Эй дило, аслингни ҳар дам ёд қил, Тезроқ бу кибрни барбод қил.**

**Бўлса ақл аслингни сан андеша қил, Ожизу бечораликни пеша қил.**

**Донаи кибринг агар хашхошча бор, Кўрмагундур ҳеч вақт дийдори ёр.**

**Кибрлик рўзи замин алломаси, Бўлса ҳам охир сияждур номаси.**

**Эй ўғул, кибрингни кўнгилдин чиқор, Ким чиқормас бўлса ул диндин чиқор.**

**Бўлсалар ҳар кимки гафлатдин йироқ, Ул киши таҳқиқ ҳасратдин йироқ.**

**(Давоми бор)**

**Махмуд ҲАСАНИЙ ва Мавжуда РАЗЗОҚОВА тайёрлаган**

**Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**

123 5